

Сийрат дарслари (75-дарс). Суббуҳун - Аллоҳ таолонинг исмларидан



13:40 / 06.03.2020 4439

336. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам етти аъзо билан сажда қилишга амр қилиндилар – кийим ва сочни йиғиштирмасдан – **«пешона, икки қўл, икки тизза ва икки оёқнинг учлари билан»**.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда шундай келган: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Қуйидагилар билан сажда қилишга буюрилдик....»**

Бухорий ривоят қилган.

Ва бошқасида шундай дейилган: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Етти аъзо билан сажда қилишга буюрилдим; «Пешона билан, – деб қўллари билан бурунларига ишора қилдилар, – икки қўл, икки тизза ва икки оёқнинг учлари билан, кийим ва сочни йиғиштирмаслигимга»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

337. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ ва саждаларида:
«Суббуҳун, Қуддусун Роббул малаикати вар-Рух», дер эдилар».

Муслим ривоят қилган.

**Суббуҳун - Аллоҳ таолонинг исмларидан бўлиб, «нуқсонлардан пок»
маъносини билдиради.**

Қуддус исми эса, «покланган» маъносини билдиради.

Ар-Рухдан мурод, Жаброил алайҳиссаломдир.

338. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ ва саждаларида:
«**Субҳанакаллоҳумма Роббинаа ва биҳамдика. Аллоҳуммағфирлий**»,
дер эдилар». Қуръонни таъвил қилардилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан